


Ақийда дарслари (195-дарс). Фаришталарга ишониш иймон арконларидандир



19:00 / 15.08.2022 6053

Фаришталарга ишониш иймон арконларидан бўлиб, инсон уларга иймон келтирмагунча мўмин бўлмайди.

Фаришталарга иймон келтириш ақийдамыз арконларидан бири эканига далиллар:

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай дейди:

رَبُّتُكَ وَوَعْدُكَ أَلَمْ يَلْبَسْ أَلَمْ يَلْبَسْ أَلَمْ يَلْبَسْ أَلَمْ يَلْبَسْ أَلَمْ يَلْبَسْ
كَيْلًا وَإِنَّا نَرَىٰ أَعْيُنًا لَّا تَرَوْنَ وَنَحْنُ نَرُؤُهُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ
رِيصَمًا

«Расул унга ўз Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Ҳар бирлари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига иймон келтирдилар. «Унинг расулларининг бирорталарини ажратмаймиз», дедилар» (285-оят).

Шу сурадаги бошқа бир оятда эса:

هَلْ لِّبَابِ نَمٍ أَمْ رَّبِّ لَانِ كَلَّوْ بِرَعْمَلِ أَوْ قَرِشَمَلِ لَبِقْ مُكَّهْ وُجُوْ أَوْلَوْتِ نَأْ رَّبِّ لَانِ سَيِّلِ
يَبْرُقُلِ يَوْذَهْبُ حَلَعَلْ أَمْ لَانِ تَأْوَنِيَّ بِنَلِ أَوْ بَاتِكُلِ أَوْ كَيْئَالَ مَلِ أَوْ رِخَالَ مَوْيَلِ أَوْ
عَالِ صِلِ مَأَقْ أَوْ بَأَقْرِلِ يَفَوْنِي لِيَّ أَسَلِ أَوْ لِيَّ بَسَلِ نَبِ أَوْ نِي كِ أَسَمَلِ أَوْ يَمَاتِي لِيَّ أَوْ
نِي حَوْءِ رِضَلِ أَوْ أَسْ أَبَلِ يَفِنِي رِبِ أَسَلِ أَوْ أَوْدَهْ أَعِ إِذِي مَهْدَهْ عَبَنُ فِ مَوْ مَلِ أَوْ عَاكْرِلِ تَأْو
نِ وُقْتِ مَلِ مُهْ كَيْئَلِ وُأَوْ أَوْ قَدَصَ نِي دَلِ كَيْئَلِ وُأَسْ أَبَلِ

«Лекин яхшилик - Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, набийларга иймон келтирган киши дадир», деган (177-оят).

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

بَاتِكُلِ أَوْ هَلِ وُسْرَ حَلَعَلَّ زَنِي دَلِ بَاتِكُلِ أَوْ هَلِ وُسْرَ رَوَّ هَلِ لِبَابِ أَوْ نَمٍ أَوْ نَمٍ أَوْ نِي دَلِ أَوْ هَلِ أَوْ
دَقْفِ رِخَالَ مَوْيَلِ أَوْ هَلِ سُرُوْ هَبْتُ كَوْ هَتَكَيْئَالَ مَوْ هَلِ لِبَابِ رُفُكَيْ نَمٍ وُلْبَقِ نَمٍ لَزَنِ أَوْ دَلِ
أَدِي عَبَّ أَلِ الضَّ لَض

«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, бутунлай залолатга кетибди», деган (136-оят).

Бас, Аллоҳ таоло ушбу жумлага иймон келтиришни шаръий эътибордаги иймон қилди. Ушбу жумлага иймон келтирганларни «мўмин» деб номлади. Шунингдек, ушбуга куфр келтирганлар «кофир» деб номладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброилнинг ҳадисида жумладан, қуйидагиларни айтганлар:

«Иймон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг ҳамда яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг».

Аллоҳ таоло фаришталарга иймон келтиришни Ўзига, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, қиёматга ва қазои қадарга иймон келтириш билан бир сафда қўйганига эътибор бермоғимиз лозим.

Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтириш уларнинг борлигига иймон келтириш билан тугал бўлмайди. Фаришталарга тугал иймон Аллоҳ таоло

ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек бўлиши керак. Уларнинг васфларига, хизматларига ва хусусиятларига иймон келтириш лозим.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди